

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.К.Ўринов, А.Н.Рафиков
Иккита сингуляр коэффициентли гиперболик типдаги тенгламанинг умумий ечимини
қуриш.....5

А.С.Бердышев, М.С.Азизов
Тўғри тўртбурчакда тўртинчи тартибли сингуляр коэффициентли тенглама учун аралаш
масала.....10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

О.Деҳқонова, Ф.Юсупова
Умумий ўрта таълим мактабларида физикани ўрганиш самарадорлигини оширишда
интерфаол методларни қўллаш20

КИМЁ

Б.Саттарова, И.Асқаров, А.Жўраев, К.Киргизов
Табиий ва синтетик озиқ-овқат қўшилмаларининг фойдали ва зарарли хусусиятлари.....24

Ғ.Очилов, Г.Турсунова, Р.Карабаева, А.Иброхимов, М.Исақов
Мева данакларидан адсорбентлар олиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.....27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Х.Максудов
Асаларичилик ва ушбу соҳа ривожидида олий маълумотли мутахассисларнинг ўрни31

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.Қ.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Ж.Халилова
Тупроқ унумдорлигини баҳолашнинг айрим жиҳатлари.....34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Гафуров, Г.Халматжанова, А.Мирзаев
Ўзбекистон иқтисодиётида инновация ва модернизация38

ТАРИХ

А.Маҳмудов
Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишнинг манбашунослиги ва
тарихшунослиги42

Ў.Хошимов, Р.Шукурулаев
Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларида кадрлар
тайёрлашдаги ўзгаришлар (Фарғона водийси мисолида).....46

Т.Хатамов
Ўзбекистонда халқ таълими тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,
хорижий тилларни ўқитиш ва кадрларни қайта тайёрлашда халқаро муносабатларнинг
илмий таҳлили.....50

У.Хўжамуратов
Ўзбекистонда ширкат хўжаликларидаги муаммолар ва уларнинг тугатилиши.....55

А.Алохунов
Фарғона қадимги шарқ илк деҳқон жамоаларининг миграциялари даврида.....60

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ж.Я.Яхшиликков, Б.Мирзарахимов
Жамият ҳаётига мафкуравий муносабатларнинг таъсири ва уларнинг намоён бўлиши
хусусиятлари64

Б.Ғаниев, М.Ғаниева, М.Неъматова
Ҳуқуқ фалсафасига доир қарашлар: назария ва амалиёт.....67

Ш.Аббосова
Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини
таъминлаш масалалари.....72

УДК: 371+378+(049.1)

**ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(Фарғона водийси мисолида)**

Ў.Хошимов, Р.Шукурулаев

Аннотация

Мақолада мустақиллик йилларида республикада таълим соҳасининг юқори бўғини ҳисобланган олий таълим тизимида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар ва юзага келган муаммолар ҳақида сўз боради. Шунингдек, олий таълим тизимида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган давлат раҳбарининг фармонлари, қарорлари, давлат дастурлари ижроси таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье рассматриваются реформы, осуществленные в системе высшего образования республики в годы независимости и направленные на подготовку кадров, отвечающих современным требованиям, а также проблемы, возникшие в процессе этой работы. Проанализировано исполнение указов, постановлений главы государства и государственных программ, направленных на выявление и устранение проблем в сфере высшего образования, а также подъем ее на качественно новый уровень.

Annotation

In this article discussed the reforms and emerging issues facing the modern requirements of the higher education system, which is a high level of education in the republic during the years of independence. The decree analyzed the decisions of the head of state aimed at identifying and eliminating existing problems in the system of higher education, as well as at moving to a qualitatively new level.

Таянч сўз ва иборалар: Мустақиллик, кадрлар етишмовчилиги, олий таълим, қарорлар, рақобатбардош кадрлар, давлат дастурлари, ислохотлар.

Ключевые слова и выражения: Независимость, дефицит кадров, высшее образование, постановления, конкурентоспособные кадры, государственные программы, реформы.

Keywords and expressions: Independence, labor shortage, higher education, solutions, competitiveness, government programs, reforms.

Таълим тизимида муҳим босқичлардан бири олий таълим тизими бўлиб, бу босқичда иқтисодиётни жадал ривожлантиришга катта ҳисса қўшадиган кадрлар тайёрланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Ўзбекистонда таълим тизимининг барча босқичларида бўлгани каби олий таълим тизимини ҳам ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш, замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш устувор вазифа қилиб белгилаб олинди. Шу муносабат билан бу соҳани бозор иқтисодиётига мослаштириш, олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга катта аҳамият қаратилди.

Олий таълим тизимидаги ислохотларнинг бошланишига асосий сабаб, 1990 йиллар бошларида республикада замон талабларига жавоб берадиган кадрларнинг етишмовчилиги юзага келган эди. Маълумотларга қараганда, саноат ва қурилиш корхоналари учун мутахассис тайёрлаб чиқараётган олий мактаб кадрлари Иттифоқда – 34 фоиз, Ўзбекистонда – 17 фоиз бўлиб, унинг устига ҳар ўн минг аҳоли ҳисобига Иттифоқда 27-30 киши, Ўзбекистонда эса 16-21 нафар олий маълумотли киши тайёрланган. Республикамизда олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж Иттифоққа нисбатан 2 марта, Фарғона вилоятида эса ундан ҳам кўп [1] бўлган.

Мисол учун, биргина 1992 йилда республика аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш тармоғида олий маълумотга эга бўлган кадрларга эҳтиёж катта бўлган. Масалан, ушбу соҳадаги 6854 раҳбар ходим лавозимларидан 1370 таси мос мутахассислар билан таъминланган, холос, қолган 5484 таси (80 %) амалиётчилар бўлган [2]. Бунга асосий сабаблардан бири совет даврида марказдан кўплаб кадрларнинг ишга юборилиши, мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг бу кадрлар ўз юртиларига қайтиши, бундан ташқари, иқтисодиётнинг пахта яккаҳокимлиги асосида бир томонлама ривожланиши, шунингдек, соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш тўғри ташкил қилинмаганлиги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа кўплаб соҳаларда олий маълумотли кадрлар етишмовчилигини юзага келтирди.

Мана шундай шароитда олий таълим тизимини ислоҳ қилишга киришилди. Дастлабки ислохотларни амалга оширишда асосий эътибор замон талаблари ва республика эҳтиёжларидан келиб чиқиб: биринчидан, университет таълимининг устуворлигига; иккинчидан, олий таълим

муассасаларини бўлиш ва ихтисослаштиришга; учинчидан, олий

Ў. Хошимов – ЎзРФА Тарих институти таянч докторанти.

Р.Шукурулаев – Дангара туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси.

ТАРИХ

таълимни худудийлаштириш ва жойлаштиришга қаратилди [3,301].

Республиканинг олий маълумотли, замон талабларига жавоб берадиган кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республиканинг янги олий ўқув юр்தларини ташкил қилиш тўғрисида”ги 1992 йил 28 февраль, ПФ-356-сонли Фармони эълон қилинди. Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, шунингдек, республиканинг барча минтақаларини улар билан яна ҳам тўлиқроқ ва бир текисда таъминлаш мақсадида республикада бир қатор олий ўқув юр்தлари ташкил қилинди. Хусусан, Андижон вилоятида Андижон давлат педагогика институти негизида Андижон давлат дорилфунуни, Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни Андижон бўлимининг негизида Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институти, Андижон пахтачилик институти негизида Андижон қишлоқ хўжалиги институти, Наманган вилоятида Ниёзий номли Наманган давлат педагогика институти негизида Наманган давлат дорилфунуни, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган бўлимининг негизида Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, Фарғона вилоятида Фарғона политехника институти умумтехника факультетининг негизида мазкур институтнинг Қўқон бўлими, Тошкент давлат техника дорилфунунининг ўқув-илмий маркази негизида мазкур дорилфунунининг асбобсозлик йўналишидаги Фарғона бўлимлари [4,60-61] очилди.

Агар мустақилликнинг дастлабки 1991/1992 ўқув йилида республикада 52 та олий таълим муассасаси [5] фаолият юритган бўлса, 2016/2017 ўқув йилига келиб республикада олий таълим муассасалари сони 76 тани ташкил этиб, улардан университетлар 20 та, институтлар 36 та, академиялар 2 та, филлиаллар 11 та, чет эл ОТМлари филиаллари 7 тани ташкил қилди [6]. Чет эл олий таълим муассасалари ва филиалларини очишда республика дунёнинг ривожланган давлатлари – Буюк Британия, Россия, Сингапур, Италия, Корея давлатлари билан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикада олий таълим муассасаларининг сони ортди, лекин шунга мос ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд эди. Бундай муаммоларнинг асосийларидан бири соҳалар бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлашда бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2018 йил якунлари бўйича Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида бу масалага алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: “Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнги икки йил давомида кўрилган чора-тадбирлар туфайли, биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади” [7]. Дарҳақиқат, республикада олий таълим муассасалари сонининг ортишига қарамасдан, аҳоли сонининг кўпайишига мос равишда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш квоталари оширилмади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ўртасида олий маълумотли кадрлар сонининг қисқаришига сабаб бўлди. Қуйидаги жадвалда бу ҳақда тўлиқ маълумот келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал.



Изоҳ: *Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 30.08. 2018 йилдаги №01/4-01-19-991-сонли маълумотномаси. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг йиллик статистика тўплами маълумотлари асосида тайёрланди. Тошкент: 2007 й. Б. 133, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг йиллик статистика тўплами маълумотлари асосида тайёрланди. Тошкент: 2015 й. Б. 111.*

Юқоридаги жадвалдан шуни кўришимиз мумкинки, 1991 йилда республикада ҳар 10000 аҳолига нисбатан 26 нафар олий маълумотли мутахассис тайёрланган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 13 нафарни ташкил этиб, 1991 йилга нисбатан 50 фоизга қисқарди. 2016 йилда бу кўрсаткич 20 нафарни ташкил қилди. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, республика 1991 йилда 10000 аҳолига нисбатан олий маълумотли кадрларни тайёрлаш жиҳатдан умумиттифоқ даражасидан анча орқада бўлган бўлса, 2016 йилги кўрсаткич эса 1991 йилги натижалардан ҳам орқада эканлигини кўриш мумкин. Худди шу ҳолат бўйича республика вилоятлари, масалан, Фарғона водийси вилоятлари мисолида олсак, Андижонда мос равишда 1991 йилда 16 нафар, 2016 йилда 14 нафарни, Наманганда 1991 йил 11 нафар, 2016 йилда 11 нафарни, Фарғона вилоятида 1991 йилда 16 нафар, 2016 йилда 13 нафарни ташкил этиб, республика бўйича ҳар 10000 аҳолига нисбатан тайёрланаётган олий маълумотли кадрлар сонига нисбатан Фарғона водийси вилоятларида ҳар 10000 минг аҳолига нисбатан тайёрланаётган олий маълумотли кадрлар анча орқадалигини кўришимиз мумкин. Агар аҳоли сони 1991 йилга нисбатан 30 фоиздан ошиқроққа кўпайганлигини инобатга олсак, бу, ташвишли ҳолат эканлигини кўрашимиз.

Аҳоли ўртасида олий маълумотли кадрлар сонининг камайиши, жамиятнинг бир қатор соҳаларида олий маълумотли кадрлар етишмовчилигини юзага келтирди. Масалан, мактабгача таълим соҳасида фаолият юритаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, 79 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга [8] эди. Таълим тизимида бу ва бошқа кўплаб муаммоларга ечим топиш, бу соҳани замон талаблари даражасида ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кейинги икки йилда жамиятимизнинг барча соҳасида бўлгани каби, олий таълим тизимида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилишига катта эътибор қаратилмоқда. Биргина олий таълим соҳасини ривожлантириш ва ислох қилиш бўйича республика Президентининг кўплаб муҳим қарорлари қабул қилинди. Қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг ижросини самарали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, олий таълим муассасаларига ёшларни қабул қилиш квоталарига эътибор қаратсак, 2018 ўқув йилида олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш 2017 йилга нисбатан 30%га, 2016 йилга нисбатан эса 62,4 % га оширилди [10]. Бунга мос ҳолда республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони ҳам ортди. Масалан, 2016/2017 ўқув йилида 264095 нафарни, 2017/2018 ўқув йилида 279674 нафарни, 2018/2019 ўқув йилида эса 344790 нафарни [11] ташкил этди.

Олий таълим тизимида ислохотларни изчиллик билан амалга оширишга Фарғона водийси вилоятларида ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Фарғона вилоятида 2018 йилда *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3952-сонли "Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиалини ташкил этиш тўғрисида"*ги Қарори ҳамда *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 сентябрдаги ВМҚ-754-сонли "Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Қўқон филиалини ташкил этиш тўғрисида"*ги қарорларига асосан Фарғона вилоятида республика ва хорижий давлатлар етакчи олий таълим муассасалари филиаллари очилди. Республикада бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари, жумладан, таълим муассасаларининг олий маълумотли кадрларга эҳтиёжи асосида 2018/2019 ўқув йилида вилоят ҳудудида жойлашган олий таълим муассасаларининг қабул квоталари 2017 йилга нисбатан 61,1 % га ошди ва жами 8607 тани (бакалавриат - 8380 та, магистратура – 227 та) (2017/2018-ўқув йили бўйича - 5342 та) ташкил қилди [12].

Шу билан бир қаторда соҳалар бўйича олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида кўп йиллар шу соҳаларда меҳнат қилган олий маълумотга эга бўлмаган кадрлар учун иш жойидан ажралмаган ҳолда таълим олиш имконияти яратилди. Хусусан, 2018/2019 ўқув йилида олий таълим муассасаларида кундузги таълим шакли бўйича қабул квоталарининг орگانлиги билан бир қаторда республикада 51 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 22 та олий таълим муассасасида мухсус сиртқи таълим ва 9 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакллари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди [10].

Бундай кадрлар тайёрлашга вилоятларда ҳам катта эътибор қаратилиб, хусусан, 2018/2019-ўқув йилидан бошлаб Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида сиртқи

ТАРИХ

таълим шакли бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу ҳақдаги фикрларни Андижон ва Наманган вилоятларида жойлашган олий таълим муассасалари ҳақида ҳам келтириш мумкин.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида сўнгги икки йилда янги таълим йўналишлари ва илғор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари натижасида республикада янги ОТМлар очилди. Хусусан, 2018 йил охирига келиб республикада чет эл олий ўқув юртлари билан бирга ОТМлари сони 95 тага [10] етди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида республикада олий таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, ютуқлар билан бирга биз юқорида келтирган баъзи муаммолар ҳам мавжуд эди. Сўнгги йилларда олий таълим соҳасини замон талаблари даражасида ривожлантириш, кадрлар тайёрлашни сифат ва сон жиҳатдан ошириб, иқтисодий-иқтисодий барча соҳаларини улар билан тўлиқ таъминлашга ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, баъзи тақлифларни илгари сурмоқчимиз:

- ОТМларга ўқишга қабул қилиш квоталарини ОТМлари томонидан мустақил белгилаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг баъзи йўналишлари бўйича кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларга мақсадли квоталар ажратиш керак;

- ОТМларига кириш имтиҳонларини янада соддалаштириб, курслар яқунлари бўйича билим назоратини кучайтириш лозим;

- Фарғона водийси вилоятлари (Андижон, Наманган, Фарғона)да дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини очишга катта эътибор қаратиш лозим;

- қўшма факультетларни ҳар бир ОТМ кесимида ривожлантириш мақсадга мувофиқ;

- олий таълим тизимига инновацион технологияларни кенг жорий этиш керак;

- Республика ОТМлари жозибадорлигини ошириш орқали чет эл, жумладан, Марказий Осиё давлатлари ёшларининг республика ОТМларида таҳсил олишига кенг имкониятлар яратиш лозим;

- ОТМларини юқори билимга эга бўлган профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш учун Фарғона водийси ҳар бир ОТМ кесимида республика ва хорижий давлатларнинг етакчи ОТМларига мақсадли докторантурага ўқишга юбориш.

Адабиётлар:

1. Бўтабоев М., Йўлдошев Б., Жўраев Ж. Ўтиш даврининг муаммолари ёки бозор ҳақидаги мулоҳазалар. Ҳаёт ва иқтисод. -1991 йил. -№9.

2. ЎзР МДА М-37-фонд, 2-рўйхат, йиғма жилд-47, 131-132-варақлар.

3. Алимova Д.А. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиш тарихи ва тарихшунослиги. Очерклар II. «Адабиёт учқунлари». –Т., 2017.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аҳборотномаси, 1992 йил, 4-сон. -Б.60-61.

5. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 30.08. 2018 йилдаги №01/4-01-19-991-сонли маълумотномаси.

6. <http://www.edu.uz/uz/otm/index#> (29.03.2017 йил)

7. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил, 29 декабрь. -№271. -272-сон.

8. http://www.uza.uz/uz/politics/prezident-maktabqacha-talim-tizimini-isloh-qilishga-baq'ishlang-14-02-2018?sphrase_id=3473987(20.02.2018)

9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари базаси. (www.lex.uz).

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. 12.12.2018 й. №89-02-3735-сонли хати 1-варақ.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. (Олий таълим тизимидаги ислохотлар. Электрон ресурс.)

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. (Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган олий таълим муассасалари тўғрисида маълумот. Электрон ресурс, 1-варақ.)

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)